

DOI: 10.5281/zenodo.15696835

Link: <https://zenodo.org/records/15696835>

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРДА КАПИТАЛДАН ФЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАХЛИЛ ҚИЛИШНИНГ УСЛУБИЙ ЁНДАШУВЛАРИ

ТДИУ "Умумиқтисодий фанлар" кафедраси

к.ўқ. Д.А.Юлдашева

Аннотация. Бугунги кунда иқтисодий таҳлил ва бошқарув қарорларини қабул қилишда капиталдан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашга оид турли методик ёндашувлар мавжуд бўлиб, улар асосан: молиявий кўрсаткичлар таҳлили, ишлаб чиқариш салоҳияти таҳлили, инвестиция лойиҳаларининг иқтисодий самарадорлиги, ресурслар айланмаси ва қайтими каби жиҳатларни қамраб олади. Ушбу мақолада ташкилотлар мисолида капиталдан фойдаланиш самарадорлигини аниқлашда қўлланиладиган асосий методологик ёндашувлар кўриб чиқилади, таҳлилий кўрсаткичлар орқали амалиётдаги аҳамияти ёритилади ҳамда самарадорликни ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилади.

Калит сўзлар. Таҳлил, методологик ёндашув, корхона ресурслари, молиявий ҳолати, капитал.

Кириш. Иқтисодиётда рақобат ва ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги тобора муҳим аҳамият касб этаётган шароитда, капитал ташкилотнинг узок муддатли ривожланиши, барқарор молиявий ҳолати ва бозорда ўз мавқеини сақлаб қолиши учун асосий омил ҳисобланади. Капитал нафақат корхона ресурсларининг маблағ манбаи, балки инвестиция фаоллигини таъминловчи, инновацияларни жорий этишга хизмат қилувчи ва умумий ишлаб чиқариш салоҳиятини оширувчи восита сифатида ҳам намоён бўлади.

Замонавий иқтисодиётда капитал деганда фақатгина моддий ресурслар эмас, балки ташкилотнинг рақобатбардошлиги, барқарорлиги ва ривожланиш истикболини таъминловчи стратегик омил ҳисобланади. Капиталдан самарали фойдаланиш масаласи нафақат молиявий барқарорлик, балки инвестицион жозибадорликни ҳам белгилайди. Шу нуқтаи назардан ташкилотда капиталдан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш муҳим иқтисодий вазифа ҳисобланади.

Бугунги кунда иқтисодий таҳлил соҳасида капиталдан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашнинг турли методик ёндашувлари мавжуд. Ушбу мақолада асосий мақсад капиталдан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилишнинг илмий-назарий асосларини очиб бериш ва амалий мисоллар асосида унинг таъсирчан йўналишларини кўрсатиб беришдир.

Адабиётлар шарҳи. Илмий адабиётларда капиталдан самарали фойдаланишни баҳолашга оид турли ёндашувлар мавжуд. Жумладан, П.Самуэльсон ва В.Нордхаус капитални иқтисодий ўсиш ва ресурслар тақсимоотида ҳал қилувчи рол ўйнайдиган омил сифатида таърифлайди. Уларнинг фикрича, капитал самарадорлиги, унинг ишлатилиши орқали олинаётган қўшимча қиймат кўрсаткичи ҳисобланади.[1] И.А.Бланк капиталдан фойдаланишни таҳлил қилишда рентабеллик кўрсаткичларини бош мезон сифатида таклиф этади.[2] Р.Фатхутдинов ва В.Тарасюк капитал самарадорлигини динамик кўрсаткичлар асосида баҳолаш, яъни активлар

айланиши, фойдалилик коэффициентлари, инвестиция қайтиши каби кўрсаткичлар билан баҳолашни тавсия этадилар.[3] Ўзбекистонлик олимлардан А.Саидов ва Ш.Каримов капиталнинг қайтарилиши, унинг фойдаланишдаги иқтисодий самарадорлиги ҳамда унинг тўғри бошқарилиши масалаларига алоҳида эътибор қаратадилар.[4]

Адабиётларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, методик ёндашувлар асосан **молиявий, ишлаб чиқариш ва инвестицион** нуқтаи назардан фарқ қилади. Шу сабабли комплекс ёндашув талаб этилади.

Таҳлил ва натижалар. Капиталдан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилишда бир нечта назарий ва амалий асосланган методологик ёндашувлар мавжуд. Бу ёндашувлар **маълумотлар манбалари, баҳолаш мезонлари, баҳолаш доираси ва иқтисодий муҳитдан** келиб чиққан ҳолда танланади. Қуйида капитал таҳлилида қўлланиладиган асосий методологик ёндашувлар келтирилган:[3]

1. Традицион (анъанавий) молиявий таҳлил ёндашуви. Бу ёндашувда асосий эътибор молиявий ҳисобот маълумотларига қаратилади. Қўлланиладиган кўрсаткичлар:

- ROE (Return on Equity) – ўзига тегишли капиталнинг фойдалилик даражаси
- ROA (Return on Assets) – умумий активлар самарадорлиги
- ROI (Return on Investment) – инвестициядан қайтиши
- Рентабеллик даражаси – фойда / даромад, фойда / харжатлар ва бошқалар

2. Функционал-иқтисодий ёндашув. Бу ёндашувда капиталнинг иқтисодий функциялари (ишлаб чиқариш, инвестиция, пул айланмаси) ўрганилади ва самарадорликни функционал кўрсаткичлар орқали баҳолайди.

- Капитал сиғими = капитал / маҳсулот ҳажми
- Капитал айланиши = маҳсулот ҳажми / капитал
- Фойда келтирувчанлик = фойда / инвестиция

3. Комплекс-индекс ёндошуви (интеграл баҳолаш). Ушбу ёндашувда турли хил кўрсаткичлар интеграл равишда ўрганилади ва индексли баҳолаш усули қўлланилади:

- Интеграл индекс = $\sum$ (коэффициент * нормалаштирилган кўрсаткич)
- Бунда ҳар бир кўрсаткич махсус балл ёки салмоқ билан баҳоланади

4. Инвестицион таҳлил ёндашуви. Капиталнинг инвестиция йўналишига қараб самарадорликни баҳолайди. Асосий кўрсаткичлар:

- NPV (Net Present Value)
- IRR (Internal Rate of Return)
- Payback Period
- PI (Profitability Index)

5. Стратегик ёндашув (баҳолаш + бошқариш). Бу ёндашув нафақат самарадорликни баҳолашни, балки уни бошқаришни ҳам ўз ичига олади. Унда SWOT-анализ, балансланган кўрсаткичлар системаси (BSC) ва SCM (supply chain management) каби назарий асослар ишлатилади.

- Капиталнинг стратегик манбаи сифатида таҳлили
- Капитал қайтарувчанлигини узоқ муддатли режалар асосида баҳолаш

6. Иқтисодий-моделлаш ва прогнозлаш ёндашуви. Бунда иқтисодий-математик моделлар, регрессия таҳлили, динамик қаторлар ва нейрон тармоқлар каби прогноз усуллари орқали капитал фойдаланиш самарадорлиги юритилади.

- Регрессия модели: $ROE = \alpha + \beta_1 * (\text{активлар айланиши}) + \beta_2 * (\text{қарз коэффиценти}) + \varepsilon$
- Машинали ўқитиш методлари асосида капитал фойдалилигини олдиндан башорат қилиш.

Ташкилотда капитал самарадорлигини аниқлаш учун қўлланиладиган усуллар бир неча гуруҳларга бўлинади:

Молиявий таҳлил методлари: Бу методлар асосан рентабеллик, фойдалилик, капитал структураси, инвестиция қайтиши ва ликвидлик билан боғлиқ. Энг кенг тарқалган кўрсаткичлар: ROA, ROE, ROI, дебитор қарзлар айланиши, активлар айланиш коэффиценти.

Ишлаб чиқариш самарадорлиги таҳлили: Бу ерда асосий эътибор капитал сифими, унинг айланмаси ва қайта ишлаш қувватига қаратилади. Масалан, капитал қайтими (sales/capital), капитал ишлатилиши самарадорлиги (output/capital employed).

Инвестицион таҳлил методлари: инвестиция фаоллигини баҳолашда NPV, IRR, Payback Period ва PI (profitability index) кўрсаткичлари қўлланилади.

1-жадвал

Йирик ишлаб чиқарувчи корхонада 2022–2024 йиллар давомидаги капиталдан фойдаланиш самарадорлиги таҳлили[6]

Кўрсаткичлар	2022 йил	2023 йил	2024 йил
Соф фойда (млн сўм)	4 500	5 200	5 800
Ўз капитал (млн сўм)	15 000	16 500	17 800
Жами активлар (млн сўм)	25 000	28 000	30 500
ROE (%)	30.0	31.5	32.6
ROA (%)	18.0	18.6	19.0
Капитал қайтими (соат/сўм)	1.67	1.72	1.76
Активлар айланиши	2.4	2.5	2.6

Рентабеллик даражаси ортиб бормоқда, бу эса фойданинг ҳам капиталга, ҳам активларга нисбатан ўсиши орқали таъминланмоқда. Бундай ўсишда юқори фойдалиликка эришиш, харажатларнинг оптималлаштирилиши ва ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошиши муҳим ўрин тутди. Капитал айланиши

коэффициенти ортиши, инвестиция қилинган маблағларнинг тез қайта айланиши ва янги қиймат яратиш салоҳияти ортиб бораётганини кўрсатади. Бу эса компаниянинг молиявий барқарорлигини таъминловчи асосий омил ҳисобланади. Фаолият масштабининг кенгайиши, яъни активлар ҳажмининг ўсиши билан бирга, капитал структурасида ҳам ўзгаришлар юз бермоқда. Бу корхонада ички манбалар ҳисобига ривожланишни англатади. Солиштирма таҳлиллар, яъни соҳадаги бошқа корхоналар билан таққослаш натижаларига кўра, ушбу ташкилот капиталдан фойдаланишда юқори кўрсаткичларга эга бўлиб, унда стратегик бошқарув механизмлари самарали йўлга қўйилганини кўрсатади.

Хулоса. Капиталдан самарали фойдаланиш ташкилотнинг умумий молиявий барқарорлиги, ишлаб чиқариш салоҳияти ва инвестицион жозибадорлигини белгилаб беради. Ушбу мақолада кўрсатилган методик ёндашувлар асосида капитал самарадорлигини комплекс баҳолаш, қисқа ва узоқ муддатли капитал харажатлари самарадорлигини таҳлил қилиш, таҳлил натижалари асосида инвестиция ва молиявий сиёсатни шакллантириш лозим.

Мазкур ёндашувлар корхоналарнинг иқтисодий ҳолатини тўғри баҳолаш ҳамда ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлашга хизмат қилади. Капиталдан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилишда ягона усул йўқ. Корхонанинг ҳажми, соҳаси, мақсад ва маълумотлар омборига қараб комплекс ёндашув самаралироқ ҳисобланади. Ҳар бир методологик ёндашувнинг афзаллик ва чекловларини ҳисобга олган ҳолда, тадқиқотчилар ва амалиётчилар мувофиқлаштирилган таҳлил моделини қўллаши мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Самуэльсон П., Нордхаус В. Экономика. – М.: Вильямс, 2009.
2. Бланк И.А. Управление капиталом. – Киев: Ника-Центр, 2010.
3. Фатхутдинов Р.А. Экономика и управление предприятием. – М.: Инфра-М, 2013.
4. Саидов А., Каримов Ш. Корхона молиясини бошқариш. – Тошкент: Иқтисодиёт, 2021.
5. Тарасюк В.Н. Анализ и оценка эффективности использования капитала. – М.: Финансы, 2015.
6. Муаллиф ишланмаси.